



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 2 » сентябрь

№ 533

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида аниқланган эгасиз ашёлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида аниқланган эгасиз ашёлар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкларни расмийлаштириш, сақлаш ва уларга нисбатан қарор қабул қилишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида аниқланган эгасиз ашёлар тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш давомида аниқланган **эгасиз ашёларни расмийлаштириш**;

эгасиз ашёларни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати Чегара қўшинлари бўлинмаларига олиб келишда **хавфсизлик чораларини таъминлаш**;

эгасиз ашёларни сақлашда **санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш**;

эгасиз ашёларни **сақлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш (баҳолаш) тартиби**;

аниқланган эгасиз ашёларга нисбатан қарор қабул қилиш ва уни **бажариш тартиби**.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Азизов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “2” сентябрдаги 533-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида аниқланган
эгасиз ашёлар тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари (кейинги ўринларда – Чегара қўшинлари) бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини (кейинги ўринларда – Давлат чегараси) қўриқлаш ва ҳимоя қилиш давомида аниқланган эгасиз ашёлар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкларни (кейинги ўринларда – эгасиз ашё) расмийлаштириш, сақлаш, экспертизадан ўтказиш (баҳолаш), уларга нисбатан қарор қабул қилиш ва уларни сотиш тартибини белгилайди.

Давлат чегарасида аниқланган эгасиз ашёлар юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар Низомга иловага мувофиқ схемада белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Эгасиз ашё деганда, Давлат чегарасининг ўтказиш пунктларидан ташқари ҳудудда Давлат чегараси орқали ноқонуний равишда ўтказилишига уринилган вақтда Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан аниқланган, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 7-бобида назарда тутилган эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган моддий неъматлар тушунилади.

3. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва олиб юриш тақиқланган ашёларга нисбатан татбиқ этилмайди ва улар юзасидан қонун талабларига мувофиқ қарор қабул қилинади.

2-боб. Эгасиз ашёларни расмийлаштириш тартиби

4. Чегара қўшинлари аниқлаган эгасиз ашёлар улар топилган жойда синчковлик билан кўздан кечирилади, фото суратга олинади ҳамда ваколатли мансабдор шахс томонидан кўздан кечириш баённомаси тузилиб, унда қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- а) баённомани тузиш вақти ва жойи;
- б) баённома тузувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва ҳарбий унвони;
- в) эгасиз ашёни олиб қўйишида иштирок этган холислар (гувоҳлар, мутахассис ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;
- г) эгасиз ашёлар аниқланган вақт ва жой;

д) эгасиз ашёнинг номи, сони ва алоҳида (идентификация) белгилари (вазни, ҳажми, узунлиги, фойдаланилганлик ҳолати ва бошқалар).

Баённома ваколатли мансабдор шахс, эгасиз ашёни аниқлаган Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари ва холислар (гувоҳлар, мутахассис ва бошқалар) томонидан имзоланади.

5. Давлат чегарасида эгасиз ашёни аниқлаган ҳарбий хизматчилар ва мазкур аниқланган ашё юзасидан холис (гувоҳ), мутахассис ва эксперт сифатида жалб қилинган шахслардан тушунтириш хатлари олинади.

6. Эгасиз ашёлар Чегара қўшинлари бўлинмаларига зарур хавфсизлик ва сақлаш чораларини кўрган ҳолда олиб келинади.

7. Эгасиз ашё юзасидан расмийлаштирилган баённоманинг нусхаси ва унга оид барча маълумотлар Чегара қўшинлари қўмондонлигига умумлаштирилади.

3-боб. Эгасиз ашёларни Чегара қўшинлари бўлинмаларида сақлаш ва экспертизадан ўтказиш (баҳолаш) тартиби

8. Эгасиз ашёлар улар юзасидан қарор қабул қилингунга қадар Чегара қўшинлари бўлинмаларининг маҳсус омборларида сақланади.

9. Тез бузиладиган товарлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа ашёлар белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилинган ҳолда, Чегара қўшинлари бўлинмаларида мавжуд бўлган музлатгич (совитгич) ларда сақланади.

10. Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари Чегара қўшинлари бўлинмалари омборларидаги маҳсус резервуарларда сақланади.

11. Майда ва йирик шохли ҳайвонлар, паррандалар ва бошқа ҳайвонлар Чегара қўшинлари бўлинмаларига ёки Чегара қўшинлари таъсислигидаги юридик шахслар худудларига жойлаштирилади.

12. Давлат чегарасида аниқланган эгасиз ашёларнинг истеъмол қилиш, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек, уларни баҳолаш мақсадида Чегара қўшинлари бўлинмаларининг ваколатли мансабдор шахслари эгасиз ашё аниқлангандан бошлаб уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса – бир сутка мобайнида эксперт ва баҳоловчи ташкилотни тайинлайди.

13. Экспертиза ашёнинг турига қараб қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли ваколати органлар (ташкилотлар) (“Ўзстандарт” агентлиги ёки у томонидан аккредитация қилинган ташкилотлар, лабораториялар, фитосанитария, санитария-карантин ва ветеринария органлари, ихтисослаштирилган эксперт ташкилотлар ва бошқа муассасалар) (кейинги ўринларда – экспертиза органлари) томонидан ўтказилади. Экспертиза натижалари тўғрисида экспертиза органлари экспертиза тайинлангандан бошлаб уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса – бир сутка мобайнида Чегара қўшинлари бўлинмаларига хулоса тақдим этади.

Уч сутка муддатда экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаган, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ашёларнинг айрим турлари, тез бузиладиган товарлардан ташқари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ўтказилади.

Мол-мулк баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш кунида амал қилган нархлар бўйича ички бозорда талаб ва таклиф конъюнктурасининг мавжуд маълумотлари асосида баҳоланади. Мутахассис баҳоловчи ташкилот тайинлангандан бошлаб уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса – бир сутка мобайнида ёзма равишда хulosса (маълумот) тақдим этади.

14. Мажбурий сертификатланиши керак бўлган (этил, озиқ-овқат спирти, алкоголь махсулотлар, пиво, тамаки махсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар, озиқ-овқатга биологик актив қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари бундан мустасно) ва улар бўйича мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлмаган эгасиз ашёлар бўйича Чегара қўшинлари бўлинмаларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан уларни сертификатлаштириш ва белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини олиш учун сертификатлаштириш органига буюртманома берилади.

Тез бузиладиган товарларга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш барча зарур ҳужжатлар (синов баённомалари, ишлаб чиқаришни баҳолаш далолатномаси, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хulosалари) тақдим этилган вақтдан бошлаб бир сутка мобайнида амалга оширилади. Бошқа турдаги мол-мулкларга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати қонун ҳужжатларида белгиланади.

15. Эксперт, баҳоловчи ташкилот, шунингдек, бошқа мутахассислар ўзлари берган хulosанинг ишончлилиги ва холислиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ моддий ва бошқача тарзда жавобгар бўладилар.

16. Эгасиз ашёлар уларнинг истеъмолга (фойдаланишга) яроқсизлиги бўйича хulosса олинган тақдирда, Чегара қўшинлари томонидан тегишли далолатнома тузилган ҳолда йўқ қилинади.

4-боб. Эгасиз ашёларга нисбатан қарор қабул қилиш тартиби

17. Аниқланган ашёларни эгасиз деб топиш тўғрисидаги қарор Давлат хавфсизлик хизмати раисининг буйруғи билан жойларда ташкил этиладиган ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда – ҳудудий комиссия) томонидан қабул қилинади. Ҳудудий комиссиянинг намунавий таркиби ва фаолиятини ташкил этиш тартиби Давлат хавфсизлик хизмати томонидан тасдиқланади. Ҳудудий комиссияга Чегара қўшинлари оператив қўймондонлиги бошлиги раҳбарлик қиласи.

18. Ҳудудий комиссия тўпланган ҳужжатларга мувофиқ экспертиза хulosаси олингандан сўнг уч сутка мобайнида, тез бузиладиган ашёларга нисбатан эса – бир сутка мобайнида аниқланган ашёларни эгасиз деб топиш

ҳамда Чегара қўшинлари ҳисобига ўтказиш бўйича қарор қабул қиласди. Қарор қабул қилингандан сўнг ҳудудий комиссия бир сутка ичидан эгасиз деб топилган ашёларнинг ҳисобга олинишини таъминлайди.

Чегара қўшинлари бўлинмаларида фойдаланилмайдиган эгасиз ашёлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда савдо ташкилотлари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотилиши ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раҳбариятининг рухсатига асосан жисмоний ва юридик шахсларга беғараз берилиши мумкин.

19. Ҳудудий комиссиянинг қарорига мувофиқ Чегара қўшинлари ҳисобига ўтказилган эгасиз ашёларни Чегара қўшинлари бўлинмаларида ҳисобга олиш, сақлаш, ташиш, ўтказиш, сарфлаш, сотувга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш (йўқ қилиш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилинганда Чегара қўшинлари бўлинмалари томонидан аниқланган ашёларни эгасиз деб топиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг уч сутка ичидан қарордан кўчирма ашё топиб олинган жойдаги ички ишлар органига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълумот учун юборилади.

20. Эгасиз ашёларни сотишдан тушган пул маблағлари тўлиқ Чегара қўшинларининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобига ўтказилади.

21. Эгасиз озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқли деб топилган ҳолатларда, Чегара қўшинлари шахсий таркибининг истеъмоли учун фойдаланилиши мумкин.

22. Эгасиз ашёларни расмийлаштириш ва сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар Чегара қўшинларининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

23. Ҳудудий комиссиянинг аниқланган ашёларни эгасиз деб топиш ҳамда Чегара қўшинлари ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги қарори Чегара қўшинлари қўмондени томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

24. Ашёларни эгасиз деб топиш ва уларни Чегара қўшинлари ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги қарор бекор қилинганда ёки ўзгарганда, шунингдек, уларни натурада қайтариш ёки қийматини қоплаб бериш тўғрисида суд қарори қабул қилинган тақдирда, Чегара қўшинлари ушбу ашёларни белгиланган тартибда тегишли шахсларга қайтарилишини ёки уларнинг қиймати Чегара қўшинларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилишини таъминлайди.

5-боб. Яқунловчи қоида

24. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.



Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида аниқланган эгасиз ашёлар
юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар тартиби тўғрисида
СХЕМА

Боғчилар Субъектлар

Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддат
1-боскич	Чегара қўшинлари бўлинмалари	Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш давомида эгасиз ашёларни аниқлаш. Доимо
2-боскич	Чегара қўшинлари бўлинмаларининг ваколатли мансабдор шахслари	Аниқланган эгасиз ашёларни кўздан кечириш, фото суратга олиш ҳамда ваколатли мансабдор шахс томонидан баённомани расмийлаштириш ва тегишли шахслардан тушунтириш хатлари олиш. Зудлик билан
3-боскич	Чегара қўшинлари бўлинмаларининг ваколатли мансабдор шахслари	Аниқланган эгасиз ашёлар юзасидан тегишли эксперт ва баҳоловчи ташкилотни тайинлаш. Тез бузиладиган товарлар бўйича – бир сутка мобайнида, қолган ашёлар бўйича – уч сутка мобайнида
4-боскич	Экспертиза органлари ва баҳолаш ташкилотлари	Аниқланган эгасиз ашёлар бўйича экспертиза ва баҳолаш хуносаларини бериш. Тез бузиладиган товарлар бўйича – бир сутка мобайнида, қолган ашёлар бўйича – уч сутка мобайнида
5-боскич	Худудий комиссия	Аниқланган ашёларни эгасиз деб топиш ҳамда Чегара қўшинлари хисобига ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш. Тез бузиладиган товарлар бўйича – бир сутка мобайнида, қолган ашёлар бўйича – уч сутка мобайнида
6-боскич	Чегара қўшинлари бўлинмалари	Эгасиз деб топилган ашёларни Чегара қўшинлари бўлинмаларида хисобга олиш. Қарор қабул қилингандан сўнг бир сутка мобайнида
7-боскич	Чегара қўшинлари бўлинмалари	Чегара қўшинлари бўлинмаларида фойдаланилмайдиган эгасиз ашёларни савдо ташкилотлари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш. Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда
8-боскич	Чегара қўшинлари бўлинмалари	Эгасиз ашёларни сотишдан тушган пул маблағларини Чегара қўшинларининг бюджетдан ташқари жамғармаси хисобига ўтказиш. Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда
9-боскич	Худудий комиссия	Аниқланган ашёларни эгасиз деб топиш тўғрисидаги қарордан кўчирмани ашё топиб олинган жойдаги ички ишлар органига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига юбориш. Қарор қабул қилингандан сўнг уч сутка мобайнида